

Фикр дурдоналари (36-қисм)



18:47 / 11.05.2017 3941

181. Шайх Муҳаммад Мутаваллий Шаъровий раҳимаҳуллоҳ: “Ҳеч қачон ҳақ билан ҳақ ўртасидаги курашни топмайсан (кўрмайсан). Чунки, ҳақ биттадир. Ҳақ билан ботил ўртасидаги кураш эса, узоққа чўзилмайди. Чунки, ботил доимо йўқ бўлувчи, ўткинчидир” дедилар.

182. Тўрт киши билан қўпол муомалада бўлманг:

1. Аёл киши билан.
2. Гўдак билан.
3. Ходим билан.
4. Олдингизга узр сўраб келган киши билан.

183. Учта муфлислар (ўзига ҳеч нарса тегмай, ҳеч вақосиз қолганлар):

1. Ов ити. Ўлжа ортидан тилини осилтириб, ҳансираб югуради-да, тутган овини бошқа кишига олиб бориб беради.
2. Бахил. Мол тўплайди ва молини ўзидан бошқа кишига (меросхўрларига) қолдиради.

3. Ғийбатчи. Одамларни ғийбат қилади ва ҳасанотларини бошқа кишига ўтказади.

184. Ҳеч ким мени хўрлагани йўқ. Уларни вафодор деб умид қилиб, ўзимни ўзим хўрладим.

185. Бу замонда ҳамма нарса, ҳатто баъзи қариндошлар ҳам ўзгаряпти. Баъзи қариндошлар шундай бўлгач, дўстларга таъна қилмаймиз.

Қуйидаги маълумотлар фейсбукдаги “Роваиъул фикр” (Фикр дурдоналари), “Ховатир роқия” (Салмоқли фикрлар) каби саҳифалардан олинган.

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси